

2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



Қирсадоқдаги "PLAS TEKS" масъулияти чекланган жамиятида 250-300 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш билан банд. Улар Швейцария, Италиянинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган тўқимачилик ускуналарини бошқаришмоқда.
СУРАТДА: қорхона ишчиси Лола Назирова маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда.

Бугун туманимиздаги қайси қишлоққа борманг, албатта бирор янгилик устидан чиқасиз. Айтайлик Убай Мусоев қишлоқ фуқаролар йиғинида тикувчилик цехи очилиб, унда саккиз қизимиз ўз лаёқатиغا монанд иш топди. Шу

ернинг ўзидан янги савдо дўкони, ошхона иш бошлади. Ниёзбошида ҳам бир йўла 180 кишига хизмат қиладиган янги ошхона очилиб, автомобилларга сервис хизмати кўрсатадиган қорхона ишга тушди.

Эски Қовунчи, Шўралисой ёки Абдулла Ортиқов қишлоқ фуқаролар йиғинларига борсангиз ҳам шундай янгиликларни эшитасиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари, айниса, молиявий, маиший ва бошқа хизмат кўрсатувчи микрофирмалар ҳамда кичик қорхоналар уч йил муддатда ягона солиқ тўловидан озод қилинган. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури амалга оширилиши шу даражада кенгайтириб юборди. Жумладан, туман дастурида қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш мақсадида кўплаб янги тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, бу йил 25 та савдо, 10 та маиший хизмат кўрсатиш, 5 та умумий овқатланиш қорхоналарини очиб қўйди. Бу йилдан бундан ташқари 144 та янги тадбиркорлик тузилмаси ташкил этилди. Уларнинг 43 таси кичик қорхона ва

РЕЖАЛАР МУДДАТИДА БАЖАРИЛМОҚДА

фирмалардир. Умуман, ҳозиргача 1400 дан зиёд янги иш ўрни очилди. Маълумки, молиявий-иқтисодий танглик бугун хатто ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини ҳам ларзага солиб турибди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётига инкирознинг асоратли таъсирини бартараф этиш кўзлаб ишлаб чиқилган дастур вазибаларининг қатъият билан амалга оширилиши эса, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва бошқа соҳалар барқарор ривожланишини таъминламоқда. Жумладан, туманимизни 2009-2010 йилларда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш дастури бажариш жараёнида иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини янада тако-

миллаштириш, мавжуд табиий ресурслар ва иқтисодий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, замонавий инфратузилмаларни шакллантириш, аҳолининг иш билан бандлиқ даражаси ва турмуш фаровонлигини барқарор ошириб боришни таъминламоқда. Бунинг учун туманимизда етарли молиявий иқтисодий салоҳият мавжуд. Чунинчи, ўтган йили бюджетнинг даромад қисми тўла бажарилиб, 10 миллиард 696,1 миллион сўм маблағ жамғарилиди. Қорхона ва ташкилотларнинг фойдаси 589,2 миллион сўмни ташкил этиб, қишлоқ ҳўжалигида 88 миллиард 585 миллион сўмлик маҳсулот етиштирилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг

дастлабки чорагида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳақида 26,9 миллиард сўмни ташкил этди. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 104,4 чакана савдо айланмаси 123,7, пуллик хизмат кўрсатиш 116,9 фоизга кўпайди. Шу муддатда барча тоифадаги ҳўжаликлар 2507,6 тонна гушт,

кўзлаб иш олиб бормоқдамиз. Бу саъй-ҳаракатлар саноат маҳсулотини йилга ўртача 17,2 фоиз кўпайтириб бориш имконини беради. Мавжуд қорхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳисобига саноат маҳсулоти ҳақида 12 миллиард сўмга кўпайтирилди.

Қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳам барқарор ривожлантирилди. Чунинчи, яқин фурсатда узумзорларни 922 гектарга кенгайтириб, қорамолларни 2,5 фоиз кўпайтириш учун барча чора-тадбирларни кўраётимиз.

Табиий ҳўжалик саноат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳўжамининг ортishi ялли йиллик даромаднинг кўпайтирилади. Бу эса, қишлоқларда ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантиришнинг зарур шартидир. Шу боис бу йил умумий узунлиги 180 километр йўл таъмирланади, 25,8 километр газ тармоқлари тартибга солинади, 30 километр узунлида янги табиий газ қуварлари, 4 километр совофага янги электр тармоғи тортилади. Буларнинг ҳаммаси "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" дастури вазифалари муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

Наримон ҲАЙТҚУЛОВ,
туман ҳўкимси.

ҚИРСАДОҚДА ЗАМОНАВИЙ ҚОРХОНА

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш кенг кўламли бозор муносабатларига ўтишни, экспортга ихтисослашган янги тармоқ ва қорхоналар барпо этиш, бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни таъминламоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида тўла ишга тушириш мўлжалланган "PLAS TEKS" масъулияти чекланган жамияти бунинг аққол дилиги бўла олади. У хусусий тадбиркор Рустам Содиқов томонидан барпо этилди.

Европанинг "LUWA", "RIENER", "USTER" (Швейцария) ва "SAVIO" (Италия) етакчи тўқимачилик машина-созлиги компаниялари яратган энг янги технологик ускуналар билан жиҳозланган қорхонамизда шу кунларда созилаш-синаш-ишга тушириш жараёни давом этмоқда. Бу жараёнида бошқариш, мураккаб ускуналарда сифатли ип ишлаб чиқариш юксак билим ва малака талаб қилиши табиий. Шу боис афсус қишлоқдан ишга қабул қилинган ёшларни ўзимиз ўқитиб, технологик жараёнда мустақил ишлашга тайёрлади. Ип-йиғиришнинг биринчи босқичида 250-300 ишчи қабул қилинди. Қорхонани тўла ишга тушириш, кенгайтириш ва қувватларини оширишга қаратилган иккинчи босқич пировардда ишловчилар 450-500 кишига етди. Иш ўринларининг бу даражада кенгайиб бориши туман йигит-қизларини муқим иш билан таъминлашга замин яратди.

Қорхонамиз тўла қувват билан ишлаб бошлагач, маҳсулот сифати лаборатория текширувидан ўтказилди. Бунинг учун "USTER" фирмасининг ускуна ва жиҳозларидан фойдаланмоқдамиз. Натижада пировард маҳсулотимиз сифат хусусиятлари жаҳон стандартлари даражасида бўлиши таъминланмоқда.

Қорхона мукамал ишлаб чиқариш инфратузилмасига эга. 14,7 минг квадрат метрдан зиёд қўзғалди майдон асосий ишлаб чиқаришдан ташқари ишлаб чиқариш чикиндиларини тўплаш, ҳавони тозалаш

тизими, ишлаб чиқариш меъжаменти биноларини, лаборатория, "душхона" ва ошхонани ўз ичига олади. Хом ашё ва тайёр маҳсулот омборхоналари ҳам энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Хорижий қорхонамизнинг ўзидан 8 ўринли меҳмонхона барпо этилган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида ички майдонлар ён-атрофдаги кўчаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугун Қирсадоққа келган киши кўм-кўк майсали йўлга ва хиёбонларни, халқ хунармандчилигининг бетакрор ҳамда гўзал услубида барпо этилган шийпонни, баҳаво ва озода цехлар, маиший-санитария хоналарини кўриб, қувонади.

Биз ишлаб чиқаришни мукамаллаштириш ускуналарини синаб кўргач, тўла қувват билан ишга тушириш ҳаракатидамиз. Европа бозорига чиқиш учун йирик компаниялар билан алоқаларни мустаҳкамламоқдамиз. Зеро, маҳсулотимизни тўла экспорт қилиш бизнинг асосий мақсадимиздир.

Келгусида йигирув фабрикасининг иккинчи босқич қурилиш-монтаж ишлари битказилгач, йилгига яна 4500 тонна пахта толаси қайта ишланадиган пневмо-йигирув қуварлари барпо этилади. Бу эса, қўшимча 100-150 йигит-қизни иш билан таъминлаш деган сўз.

Аскар ИНОФОМОВ,
"PLAS TEKS" масъулияти чекланган жамияти иш бошқарувчиси.

Янгийўл тумани: ИЗЧИЛ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛЛАРИ


Эрта тонг чоғи мактабимиз ҳовлисида кириб борар эканман, баҳри-дилим яйраб, кўнглимда ифтихор ҳиссини туюман. Негаки, янги қурилган, қайта таъмирланган бинолар, ҳовлидаги гулзорлар Жамбул шаҳарчасига кўрк бўлиб турибди. Икки йилгига илгари мактабимиз қандай аҳвол-

да эди-ю, бугун қандай? 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат дастури амалга ошириш халқ таълими ўқув-моддий асосларини қанчалик ўзгартириб юбориб, қанчалик мактабимиз мисолида аққол кўриш мумкин.

ҲАММАСИ ЯНГИ АВЛОД ТАРБИЯСИГА

Халқ таълими соҳасида 50 йилдан бундан хизмат қилиб, ҳеч қачон мактаб қурилиши шунчалик кенг қулоқ ёйганига, таълимнинг замонавий педагогик технологиялар билан шунчалик мукамал жиҳозланганига гувоҳ бўлмаган эдим. Фақат барқарор янги авлодни тарбиялашни ўзининг устувор вазифаси, деб ҳисоблаган давлатимиз бундай кўламли ишларга қодирлигини кундалик ҳаётимизда кўриб турибмиз. Ҳозиргача туманимизда 3 та янги мактаб қурилиб, 17 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 13 та мактаб капитал, 6 та мактаб жорий таъмирланди. Натижада, таълим-тарбия жараёнида янги педагогик технологияларни жорий этиш, болаларга давлат таълим стандартлари даражасида билим бериш имкониятлари янада кенгайди.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида мактабларда қурилиш-таъмирлаш ишлари, айниса, кенг қулоқ ёйди. Бугунги кунда мактабларимиз учун битта янги бино қурилиб, 9 та бино капитал реконструкция қилинмоқда. Бир мактаб капитал таъмирланаётди. Навбахор, Халқобод, Шўралисой



ёки Қўшөгач қишлоқларига борсангиз, мактаблар учун қўшимча хоналар, кишики спорт заллари қурилаётгани, эски бинолар эса, мутлақо янгича қўйиб қасб этаётганини кўрасиз. "Бунёдкорлаштирилиш", "Меҳнаткорлаштирилиш", "Билонқурилишсервис", "Хонсарой", "2-ПМК" ва Янгийўл маҳсул қурилиш ташкилотларининг бинокорлари ҳамма ишларни янги ўқув йили бошланишигача аяқлашга ҳаракат қилишяпти. Бу ишлар учун 2 миллиард 100 миллион сўм маблағ сарфланаётди. Давлатимиз таълим соҳа-

маҳоратни ишга солишга, таълим-тарбия савиясини кўтартириш руҳлантирмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида оила, мактаб маҳалла ҳамкорлиги, айниса, қизгин тус олапти. Педагог-психолог Анорхон Жўраева ўқувчиларни касбларга йўналтириш, вояга етмаганлар билан ишлашда маҳалла фаоллари билан бевосита ҳамкорлик қилмоқда. Ота-оналар билан фарзанд тарбиясига оид суҳбатлар, учрашувлар ташкил этилмоқда. Қисқаси, жамоатчилик билан мактабимиз ҳамкорлиги кенг қўламли бўлиб, 9 йўналишдаги саъй-ҳаракатлар билим-дон, меҳнатсевар янги авлод тарбиясига самарали таъсир кўрсатаётди.

Кўчқор ТўРАБЕКОВ,
46-умумтаълим мактаби ўқитувчиси.

Бу йил Навбахор қишлоғи ёшлари учун янги 325 ўринли мактаб барпо этилмоқда. Қурилиш ишларини "Бунёдкор пласт қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бажармоқда. Мактабда очик ва ёпиқ спорт майдончалари бўлади. Бу қурилиш учун 986 миллион сўм бюджет маблағи ажратилган.

СУРАТДА: (чапдан) иш қоритувчи Баҳром Қўзиев ва ишчи Алишёр Чоршанбоев лойиҳа намуналарини кўздан кечирмоқда.

лигини 60, пахта ҳосилдорлигини 32 центнерга етказишга қаратилган. Бугдой бошқоқларидан бўлиқ дон олишни кўзлаб, етарлича озиклантирдик. Гуза қатор ораларини иккинчи марта қўлтиривадан чиқардик. Ҳозир минерал ўғит билан озиклантиришга киришдик.

Баракали меҳнат, мўмай даромад аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, яқка-ёғиз қариларга қўмаклашиш имконини берапти. Кам таъминланган бир оила фарзандининг олий ўқув юртида билим олиш учун шартнома тўловини ўз зиммасига олганмиз. Меҳнат фахрийларига 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ёрдам бердик. Янги пайтда 46-умумтаълим мактаби билан 15-мактабга тарбия муассасасига мунтазам оталиқ ёрдами кўрсатиб келятимиз.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 48,2 гектар майдонда пахта, 39 гектарда галла етиштирилмоқдамиз. Ҳосил қанчалик мўл бўлса, ялли даромад ортиб, аъзоларнинг моддий-маиший ҳаёти яхшиланади. Ҳозирги пайтда ҳўжалигимизда 30 киши меҳнат қилапти. Улар ой сайин 180-200 минг сўмдан ўртача маош олиб туришяпти. Бундан ташқари йил якунида даромад салмоғига қараб, қўшимча ҳақ ҳам тўланади. Чунинчи, ўтган йили ҳар бир ишловчи бир тоннадан бугдой тарқатилди.

Бу йил пахта саъй-ҳаракатларимиз бугдой ҳосилдорлигини 60, пахта ҳосилдорлигини 32 центнерга етказишга қаратилган. Бугдой бошқоқларидан бўлиқ дон олишни кўзлаб, етарлича озиклантирдик. Гуза қатор ораларини иккинчи марта қўлтиривадан чиқардик. Ҳозир минерал ўғит билан озиклантиришга киришдик.

Баракали меҳнат, мўмай даромад аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, яқка-ёғиз қариларга қўмаклашиш имконини берапти. Кам таъминланган бир оила фарзандининг олий ўқув юртида билим олиш учун шартнома тўловини ўз зиммасига олганмиз. Меҳнат фахрийларига 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ёрдам бердик. Янги пайтда 46-умумтаълим мактаби билан 15-мактабга тарбия муассасасига мунтазам оталиқ ёрдами кўрсатиб келятимиз.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида гузарни тўлиқ шакллантириб, асосий ишларни тугатаймиз. Яқинда озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотадиган дўкон қуридик. Шу кунларда чорва моллари учун ем билан савдо қилувчи яна бир дўконни битказаямиз. Келгусида бир гектарли иссиқхона қуриш ниятидамыз. У биттач, аҳолини қиш-ёзнан қўнатиш ва турли савбавот маҳсулотлари билан улуксиз таъминлай бошлаймиз.

Рустамбек ҲАМРОБЕКОВ,
"Исломбек-Барак" фермер ҳўжалиги раҳбари.



"Муруват Ортиқали" фермер ҳўжалиги 67,5 гектар ерда пахта ва галла етиштиради. Улар бу йилги шартнома бўйича 30 гектар майдондан 102 тонна галла, 37,5 гектардан 112 тонна пахта олишни мақсад қилишган.
СУРАТДА: (чапдан) ҳўжалик раҳбари Ортиқали Болтабоев ва ишчи Дилшод Каримов галдаги вазифалар ҳўсусида фикрлашмоқда.

ЕР ЭЛНИ БОҚАДИ

Она-заминимизда ҳар сиким тупроқ олтин, ҳар томчи суз зар қадар қадри. Фермерлик ҳаракати қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан янгилади, ер-сув ҳақиқий эгалари қўлга ўтди. Эндиликда фермерлар қишлоқдаги бугунги иқтисодий-иқтисодий юксалишда етакчи, ҳал қилувчи кўчга айланди.

Бунга бизнинг фермер ҳўжалигимиз аққол мисол бўла олади. Биз қисқа муддатда янгича шартномаларда ер-сувдан унумли фойдаланишни, тупроқ унумдорлигини ошириб, ҳосилдорлигини кўтариш омилларини эгалладик. Ўтган йиллар пахта, галла ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириб, мўмай фойда олиш, ишловчиларнинг турмуш даражасини кўтаришнинг янгича меҳнат ва ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топди.

Чунинчи, ўтган ҳўжалик йилида пахта топириш шартнома режасини 8 иш кунда бажардик. Галладан ҳам мўл ҳосил олишга эришдик. Натижада 56 миллион сўмдан кўпроқ ялли даромад жамғариб, 24 миллион сўм соф фойдага эга бўлдик.

Фермер ҳўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш жараёнида еримиз 87,2 гектарга кенгайди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида 48,2 гектар майдонда пахта, 39 гектарда галла етиштирилмоқдамиз. Ҳосил қанчалик мўл бўлса, ялли даромад ортиб, аъзоларнинг моддий-маиший ҳаёти яхшиланади. Ҳозирги пайтда ҳўжалигимизда 30 киши меҳнат қилапти. Улар ой сайин 180-200 минг сўмдан ўртача маош олиб туришяпти. Бундан ташқари йил якунида даромад салмоғига қараб, қўшимча ҳақ ҳам тўланади. Чунинчи, ўтган йили ҳар бир ишловчи бир тоннадан бугдой тарқатилди.

Бу йил пахта саъй-ҳаракатларимиз бугдой ҳосилдорлигини 60, пахта ҳосилдорлигини 32 центнерга етказишга қаратилган. Бугдой бошқоқларидан бўлиқ дон олишни кўзлаб, етарлича озиклантирдик. Гуза қатор ораларини иккинчи марта қўлтиривадан чиқардик. Ҳозир минерал ўғит билан озиклантиришга киришдик.

Бахвали меҳнат, мўмай даромад аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, яқка-ёғиз қариларга қўмаклашиш имконини берапти. Кам таъминланган бир оила фарзандининг олий ўқув юртида билим олиш учун шартнома тўловини ўз зиммасига олганмиз. Меҳнат фахрийларига 1 миллион 200 минг сўм миқдорда моддий ёрдам бердик. Янги пайтда 46-умумтаълим мактаби билан 15-мактабга тарбия муассасасига мунтазам оталиқ ёрдами кўрсатиб келятимиз.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида гузарни тўлиқ шакллантириб, асосий ишларни тугатаймиз. Яқинда озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари сотадиган дўкон қуридик. Шу кунларда чорва моллари учун ем билан савдо қилувчи яна бир дўконни битказаямиз. Келгусида бир гектарли иссиқхона қуриш ниятидамыз. У биттач, аҳолини қиш-ёзнан қўнатиш ва турли савбавот маҳсулотлари билан улуксиз таъминлай бошлаймиз.

Рустамбек ҲАМРОБЕКОВ,
"Исломбек-Барак" фермер ҳўжалиги раҳбари.

• Бугун туманда 165 майдонда зиёд киши яшайпти.

• Қишлоқ ҳўжалигида 15 мингга яқин, саноатда 9 мингдан зиёд, қурилишда 2750, савдо, умумий овқатланиш сингари соҳаларда 7,7 минг киши меҳнат қилмоқда.

• Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида туман қишлоқларида 4664 та янги иш ўрни очилди.

• Туманда 11 та қўшма қорхона ташкил этилган.

• Қишлоқларда 2500 дан зиёд микрофирма, 157 та кичик қорхона фаолият кўрсатмоқда.

АЁЛИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУЛЛАБ-ЯШНАЙДИ

Келажатини, фаровонлиқ, тинчлик ва ҳамжиҳатликни қадрлаган юрт, аввало, хотин-қизлар саломатлигига муттасил эътибор қаратади. Зеро, давлатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, аёли соғлом мамлакат борки, қуллаб-яшнайдик, барқарор ривожланадиган. Чунки, соғлом авлоднинг дунёга келиши, кўп жиҳатдан оналарнинг саломатлигига, маънавий-ахлоқий соғломлигига боғлиқ.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили учун тузилган туманимиз дастурида кўзда тутилган аниқ вазибаларнинг асосий йўналишларидан бири табиий, унинг эҳтиёжларига ҳозиржавоблик, ҳусусан, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборат. Бугун туманимиз қишлоқларида 15 та замонавий қишлоқ врачлик пункти маҳалла табиий хизмат кўрсатмоқда. Чекка Оқ олтин қишлоғида янги врачлик пункти очилди. Барча

пунктлар учун эски бино хўмийлар ҳисобидан капитал таъмирланмоқда. Бу шифохоналарда аёллар ва болаларни табиий қўриқдан ўқатиш ҳамда даволаш учун қўлай шарт-шароитлар яратилган. Эндиликда турли табиий текширувлардан ўтиш учун туман марказий шифохонасига қатнашга эҳтиёж қолмади.

Айни пайтда Халқободдаги марказий шифохонада туғруқ мажмуаси мукамал қайта таъмирланди. Бу ишлар аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш инвестицион лойиҳаси асосида амалга оширилиб, 203 миллион сўмлик иш бажарилди.

Туман болалар шифохонаси таъмирлаш аяқланмоқда. "Қишлоқ тараққиёти

ва фаровонлиги йили" дастурий вазифаларидан яна бири аҳоли барча қатламларининг табиий маданиятини оширишдан иборат. Шу мақсадда бирлашма табиий кенгаш хузурида иккита йўналиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди. Улар туман репродуктив саломатлик марказларининг ходимлари билан ҳамкорликда табиий маданиятни ошириш, номуқаб туғруқларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган суҳбатлар, учрашувлар ташкил этаётди. Аёллар кенгайтирилган табиий қўриқдан ўқатилади, бу жараёнда аниқланган касалликлар даволанаётди.

Дилшод КОСИМОВ,
туман табиёт бирлашмаси бошлиғи вазифасини бажарувчи.

Саҳифани "Тошкент ҳақиқати" муҳбирлари Жўра САЪДУЛЛАЕВ ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.

Ҳуқуқий саводхонлик

Лизинг базор иқтисодийётига ўтаётган мамлакатларда ҳам, ривожланган мамлакатларда ҳам корхоналарни ўрта ва узоқ муддатли молиялаштиришнинг ишончли манбаи ҳисобланади. Ривожланган мамлакатларда у бандлиқни таъминлаш – технологияларнинг жорий этиш ва рақобатни ривожлантириш масалаларида муҳим аҳамият касб этади.

лизинг молиявий ижарани алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (берувчи) иккинчи тараф (олувчиги) топширигига бинаоан учинчи тараф (сотувчиги)дан лизинг шартномасида шартлашган мол-мулкни олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартлардаги ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан

иштирақ этади. Қонун ҳужжатларида лизинг олувчи сотувчига олди-сотиш шартномасидан келиб чиқадиган талабларни бевосита тақдим этиш ҳуқуқига эгаллиги назарда тутилган. Шу сабабли шартноманинг шартлари лизинг олувчига etkazилиши ёки у билан келишиб олиниши зарур. Шу тарика, агар тараф-

қўриклаш ҳамда ундан фойдаланиш бўйича шартларни қатъий бажаришини таъминлашга ҳаракат қилади. Шу сабабли лизинг шартномаларида олувчига объектдан унинг ҳужалик вазифасига қатъий мувофиқ ҳолда фойдаланиш, ўғрилиқ, йўқолиш ёки бузилишдан сақлаш мажбурияти юкланади. Шунингдек, шартномада берувчи олувчидан талаб қилишга ҳақли бўлган молиявий ва бошқа ҳужжатларнинг аниқ рўйхати, уларни тақдим этиш мунтазамлиги кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик Кодексининг 361-моддасига кўра, шартноманинг келгусида томонларни муайян ҳаракатларга (мол-мулкни харид қилиш) мажбур этадиган қоидада дастлабки шартнома ҳисобланади. Шартнома бир йил мобайнида тузилиши керак. Шу тарика, агар томонлар объектни сотиб олиш тўғрисида асосий шартномани тўзмасалар, олувчининг объектни сотиб олиш ҳуқуқи шартнома тузилганидан бир йил кейин аниқ қилиниши тўхтатади. Битим томонлари лизинг шартномасида лизинг объектни сотиб олишининг аниқ муддатини назарда тутишлари ва бу билан баъзи эҳтимолий муаммолардан ҳалос бўлишлари мумкин.

Ойбек МАШАРИПОВ,
вилоят адлия
бошқармаси
шартномавий-ҳуқуқий
ишлари назорат қилиш
бўлими бошлиғи.

ИШОНЧЛИ МАНБА

маларни кўпайтиради. Пировардида молиявий хизматлар базорида кўшимча рақобат вужудга келади. Лизингнинг пайдо бўлиши билан молиялаштириш қиймати пасаяди ва молиявий хизматлар базори кенгайди. Умуман, соғлом лизинг сектори иқтисодийётнинг реал соҳаларини молиялаштириш кенгайтириб, маҳаллий ишлаб чиқишнинг ўсиши ва корхоналарни молиялаштириш механизмлари кенгайтириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ёрдам беради.

Республикада лизинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фўқаролик Кодекси ва "Лизинг тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади. Амалдаги қонунчилигимизга асосан

ортиқ муддатга беради. Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган, истеъмол қилинмайдиган ҳар қандай ашё, жумладан, корхона, мулкрий мажмуа, бино, иншоот, ускуна ва транспорт воситалари ҳамда бошқа кўчар ва кўчмас мулк лизинг объектлари бўлиши мумкин. Ер участкалари ва бошқа табиий иншоотлар, шунингдек, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган бошқа мол-мулк бундай объектлар сирасига кириши мумкин эмас.

Бироқ, лизинг шартномасини батафсил кўриб чиқишдан олдин шунини таъкидлаш жоизки, битимда берувчи ва олувчидан ташқари олди-сотиш шартномасини тузадиган сотувчи ҳам

лар лизинг шартномасида бошқа нарсани кўрсатган бўлсалар, олди-сотиш шартномаси шартларини бузиш кейинчалик лизинг шартномасининг ўзини бекор қилишга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятга йўл қўймаслик учун олди-сотиш шартномасини тузиш чоғида олувчининг томонлардан бири сифатида иштирок этиши ёки шартноманинг ажралмас қисми сифатида унинг нусхаси илова қилинади.

Шартномани амалга оширишнинг муҳим босқичларидан бири лизинг олувчининг объектни қабул қилишидир. Бунда лизинг берувчи ўш мулкчини лизинг олувчига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун топшираркан, унинг объектни

Бўка туманидаги 5-умумтаълим мактаби "Турон-Бунёдкор" масъулия-тектланган жамияти томонидан туманида 442 миллион 448 минг сўм маблағ ажратилган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида бошланган таъмир ишлари шу кунгача қарийб 75 фоизга бажарилди.

ЎЗ НОМИ БИЛАН МУКАММАЛ

– 2006 йилдан бери фаолият юритиб келмоқдамиз, – дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Имомали Қўшбоев. – Ўтган йилларда бир қатор туманларда шундай қурилиш ишларини бажариб, дурустгина таъжирба ортирдик. Бу йил шу мактабнинг таъмирини сифатли бажариб, вақтида топширишни мақсад қилганмиз.

Янги ўқув йили бошланганида ўқувчилар таъсилни шинам, кўркам ва замонавий жиҳозланган турли фан кабинетларида давом эттириш имконига эга бўладилар.

Хуррият МҲМИНОВА.
СУРАТАЛАРДА: мактаб биноси таъмирдан чиққан деб қолди; (ўнгдан) бош муҳандис Бақир Жуманқулов ишчи Шарофиддин Дўстовга ойна ромларини қўйишда нималарга эътибор бериш зарурлигини ўқитмоқда.

Даврон АҲМАД
олган суратлар.



ВАТАН ИЧРА МҲЪЖАЗ ВАТАН

Оила – ҳаётимиз мазмуни. Айниқса, муқтақиллик йилларида ўзгача моҳият касб этган оила тушунчаси ижтимоий ҳаётимизнинг ўзаги, жон томирига айланди. Зеро, жамият тараққиётини таъминлайдиган маънан етук, жисман соғлом, баркамол инсон, аввало, оила муҳитида вояга етади.



Мамлакатимиз раҳбари оила масаласига алоҳида диққат-эътибор қаратиб шундай дейди: "Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг катта бойлиғидир. Шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абалдилиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият кўргони бўлиши оилани мустахкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим".

Ҳақиқатан ҳам, истиқлол йилларида ташкил этилган Фўқаролик жамиятини ўрганиш институти, "Оила" илмий-амалий маркази, вилоят ҳокимлигининг Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибиятининг фаолияти айнан шу мақсадга йўналтирилган. Бу борада вилоятимизда олиб борилаётган ишлар қўлами айтишга арзғулик.

2 миллион 553 мингдан ортиқ аҳолини 688 мингдан зиёд оилалар бирлаштириб турибди. Узаро меҳр-оқибат, бағрикенглик,

хайр-саховат каби инсоний ғазилатларни шакллантирувчи оила муҳитида гап кўп. Республика "Оила" илмий-амалий маркази вилоят, туман ва шаҳар бўлими лари ўтказаятган тадбирлар оилалар барқарорлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бундай тадбирларнинг якуний босқичи сифатида ҳар йили вилоят марказида ўтказиладиган "Халқаро оила кўни" байрам дастури, давра сузбати жамиятда оила ролини янада кучайтириш, оилада соғлом муҳитни шакллантириш ва баркамол авлод тарбиясида муҳим ўрин тутувчи аёл дунёқарашини, тафаккурини, онгини янада ошириш масалаларига бағишланди.

Вилоят марказида хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" илмий-амалий маркази, Фўқаролик жамиятини ўрганиш институти, маданият ва спорт ишлари бошқармаси, Меҳр-шафқат ва саломатлик жамоат фонди вилоят бўлими лари ҳамкорлигида ўтказилган "Оила – Ватан ичра Ватандир" мавзусидаги катта байрам дастурида вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидан энг намунали, ибратли оилалар ва жамоатчилик

вакиллари иштирок этди.


– Мамлакатимизда оила устувор мақомага эга, – дейди республика "Оила" илмий-амалий маркази раҳбари, психология фанлари доктори, профессор Вассила Каримова. – Маънавий руҳий олами соғлом оилаларда тарбия топаётган ўғил-қизлар ота-оналари ҳамда жамиятнинг бойлиғи. Бу бойлиқни асраб-авайлаш – Ватан келажакини таъминлаш, қўриқлаш, ардоқлаш дегани. Демак, соғлом оилаларнинг барқарорлиги, мустаҳкамлиги учун барчамиз масъулим.

– Оилада ҳуқуқий тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилиши зарур, – дейди юридик фанлар доктори, профессор Омина Каримова. – Фарзандига тўғри тарбия бериш учун эса, аввало ота-онанинг ўзи ҳар томонлама билимли, тарбияли бўлиши лозим.

– Вилоятимизда билимли, тарбияли ота-оналар кўп, – дейди вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибияти мудири Индира Ҳалимова. – Лекин, ота-она сифатида ҳаммамиз ҳам лозим даражада табибий, ҳуқуқий билим ва қўникмаларга

ТАБИАТНИНГ
СИНОВЛАРИ БЕШАФҚАТ

Сизу бизни ўраб турган, йилнинг тўрт фаслида ҳам ўз жозибасини йўқотмайдиган она-табиат баъзи-баъзида инсонни фавқулодда имтиҳону синовлардан ўтказиб туради. Булар кўчки, тошқин ва зилзилалар шаклида бўлиши мумкин. Эътироз этиш лозимки, яқин-яқинларгача бу офатларнинг сабабларини ўрганиш, бинаобарин, улар келтириши мумкин бўлган таалафоту қўрқонларнинг олдини олиш имконияти деярли йўқ эди.



Айнан шу сабабларга кўра, 1911 йилнинг 18 февралда Фарбий Помирнинг Муқул тоғ тизмасида рўй берган 9 балли зилзиладан кейин катта ҳахмдаги тупроқ ва тоғ жинслари 2,5 километр масофага сурилиб, дарё ўзанини тўсиб қўйди. Усой деб номланган бу сурилма ҳосил қилган тўғоннинг баландлиги 703-798 метрга, эни эса 4,3-5,3 километрга этади. Табиий офат юз берган пайтда Усой қишлоғи сурилма остидан қилиб кетиб, 54 киши ҳалок бўлди. Зилзила тупроқнинг ҳосил бўлган қўлга Сарез деб ном берилди. Геолог олимлар, мутахассислар табиат яратган тўғоннинг мустаҳкамлигини оширишга қаратилган излашларини ҳозирги кунгача давом эттирмоқдалар.

Бундай ҳодисалар ўтган асрнинг 70-90-йилларида ҳам содир бўлиб турди. Масалан, 1973 йилда Охангарон воҳисида кузатишган "Атчи" кўчкисининг ҳажми ҳисоблаб чиқилганда бу рақам 700 миллион кубметр бўлиб, ўтган асрнинг энг йирик кўчкиси, деб тан олинди. 1987 йилнинг 7 декабрида Тожикистондаги Шарора қишлоғи сурилма остидан қилиб, 500 дан ортиқ аҳоли ҳалок бўлди. Вилоятимизнинг Охангарон туманида 1991 йилнинг 7 декабрида кучли ёмғирлардан сўнг тупроқ кўчиб, Жигаристон қишлоғини босиб қолди, 30 миллион кубметрни сурилма 50 дан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлди.

Туманимизда ҳам бундай ҳодисаларнинг анчаси қайд этилган. Жумладан, 1958 йили Богистондаги кўчки 8 кишини ҳалок этди. Уша вақтдан бошлаб республикада хавфли геологик жараёнларни ўрганиш ва кузатиш тизими ташкил этилиб, бу тизимда ходимлари ҳамда мутахассислари сай-ҳаракатлари билан республика

қилувчи бешта "Зўрдан зўр", "Беш тельба қасос пайида", "Бахт", "Ишқ тутқун", "Ҳаётга муҳаббат" сингари турк фильмларини томоша қилиш имконига эга бўлишди.

Таъкидлаш лозимки, кўчки ва бошқа хавфли геологик жараёнларни кузатишда фойдаланиладиган

ускуна ва жиҳозлар такомиллашиб бормоқда. 2008 йилдан бошлаб биз, Япониянинг "Ҳайка" компанияси билан тузилган шартномага асосан олиб келган замонавий кузатиш ускунасини ишлата бошладик. Уни Қоронқул қишлоғи яқинидаги кўчки хавфи мавжуд бўлган "Тўқимачи" судоурага ўрнатдик. Бу ўз ҳамадасини бериши аниқ.

Бу йилги баҳор серёғин келиб, йиллик меъёрдан 2,5 баробар кўп ёмғир ёғди. Бу эса, хавфли геологик жараёнларни тезлаштириб юбориши мумкин. Шунинг учун кўчки хавфи белгиларини билиб қўйиш ортқича бўлмади. Аввало, бу жараён бошланишида тоғ-адирларнинг юза қисми ва рельефи гайриоддий тарзда ўзгаради, чашмаларнинг сувлари бирдан йўқолиши ёки қўйиш, сув йўналишининг ўзгариши кузатилади. Ҳар икки шакл ва ҳахмдаги тупроқ уюмлари ва йирик ёриқлар, кўчки хавфи бор жойда, қирлар остидан тупроқнинг сурилиши, дўнғиллар ёки атрофда жойлашган уйлар, бинолар деворларида ёриқлар пайдо бўлиши кузатилади. Бу белгилардан бирортасини кўрган киши кузатиш станцияси ходимларига хабар қилса, хавфнинг олдини олишга ёрдам берган бўлади.

Ақмал ТУРБОБОВ,
Бўстонлик тумани
хавфли геологик
жараёнларни кузатиш
станцияси бошлиғи,
Ўзбекистон
Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Давлат ва жамият
қурилиш академияси
магистранти.

ТҲРК ФИЛЬМАРИ
ҲАҲТАЛИГИ

Тошкентдаги "Redisson SAS" меҳмонхонасида 1-5 июнь кунлари Туркиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан Турк кинолари ҳафталиги ўтказилади.

Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари учун мазкур тадбир олтинчи маротаба ташкил этилаёттир. Айтиш жоизки, кино ихлосмандлари сўнгги йиллар ичида рўй берган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳикоя

қилувчи бешта "Зўрдан зўр", "Беш тельба қасос пайида", "Бахт", "Ишқ тутқун", "Ҳаётга муҳаббат" сингари турк фильмларини томоша қилиш имконига эга бўлишди.

"Туркистон-пресс".

Тошкент шаҳри, Юнусобод 19-даҳа, Теша Захидов кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган "KENJA-KAPITAL" МҲЖга тегишли реестр рақами № 74-2006 бўлган тугалланмаган бина ер кадастри ҳамда № 2586080345 рақамли ер кадастри ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон Давлат жиомоний тарбия институти томонидан 1995 йилда Мансуров Рижат Мансурович номига берилган 011078 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани 1-проезд Дўмбироқов кўчаси, 15-А уй манзилида яшовчи Самиджон Шохруҳбек Нуруллаевич номига Чилонзор тумани (БТИ) томонидан берилган уй план ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Фармацевтика институти томонидан 1982 йилда Турғунор Каримжон Ғанижонвич номига берилган ИВ-1 270539 рақамли (регистрация рақами 5677) диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утеранный аттестат № 009479, выданный в 1991 году школой № 2 г. Буха Ташкентской области на имя Ерыганова Максима Ивановича,

СЧИТАТЬ

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный гос. ордер № 04-02/8477, от 25.01.1993 г. права собственности на квартиру по адресу: Ц-1, д. 30, кв. 24 на имя Тухтасуновой Азизы,

СЧИТАТЬ

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный план, выданный БТИ Якасарайского района г. Ташкента по адресу ул. М. Толибжанова, д. 27 на имя Антиповой Людмилы Сергеевны,

СЧИТАТЬ

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный кадастровый документ ЧП "ОО БАУИ", реестровый номер 6-436/07 от 7.09.07 г. выданный "Тошкент шаҳар ер тузаш ва қўчмас мулк кадастри хизмати" Давлат унитар корхонаси по адресу: Сергелийский район, ул. Луффор,

СЧИТАТЬ

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утеранный аттестат о среднем образовании О.Р.Ш. № 0527177, выданный 24 июня 2006 году школой № 31 Мирободского района г. Ташкента на имя Арипова Ридвана Вячеславовича,

СЧИТАТЬ

НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

УЛАРНИНГ
БОРИГА ШУҚР

Пискент туман ижтимоий-таъминот бўлими ёлғиз кексалар ва ногиронларга белгиланган режа асосида ёрдам кўрсатмоқда. Бўлимнинг 13 ходими қарияларга бевосита бириктирилган. Бундан ташқари туман поликлиникаси ва қишлоқ врачлик пунктлари ходимлари кексаларнинг бевосита уйларида бориб, тиббий хизмат кўрсатишмоқда.

Рўйхатга олинган 45 нафар ёлғиз кишилар 9 турдаги озик-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланмоқда. Шунингдек, қишлоқ фўқаролар йиғинлари билан бирга савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларида ёлғиз кексаларга имтиёзли хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. Тумандаги оталиқ, хомий корхона ва ташкилотлар ҳам уларни қўллаб-қувватламоқда. Санаторийларда бу йил 29 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар соғломлаштирилди.

Феруза ТўРАЕВА.

Болалар ёзи

Бўстонлик тумани Юсуфхона қишлоғидаги "Ёшлик" болалар оромгоҳи йил бўйи фаолият юритувчи ягона муассаса ҳисобланади. "Ўзбекистон металлургия комбинати" акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли бу оромгоҳда умумтаълим мактабларининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилари қабул қилинади. Улар бу ерда ҳордиқ чиқарибгина қолмай, мактаб дастури доирасида таълим олиб, соғлиқларини тиклайдилар. Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдирини оромгоҳлари раҳбарларининг семинарини ўтказиш учун айнан шу оромгоҳни танлагани бежиз эмас.

ҚАЙСИ ОРОМГОҲГА
БОРГАН МАЪҚУЛ?

Семинарда оромгоҳлардаги ўтган йилги камчиликлар умумлаштирилди. жиҳозлаш, санитария-гигиена ва таълим тарбия жараёнининг тўғри ташкил этилмаслигини қаттиқ танқид қилинди. Айниқса, раҳбарларнинг қўнимсизлиги оромгоҳларда ишнинг ўз ҳолига ташлаб қўйилишига сабаб бўлаётгани, оқибатда йилдан-йилга дам олувчилар камийиб кетаётгани мисоллар орқали айтиб ўтилди. Айрим оромгоҳларда педагог, етакчи, педиатр-шифокор, ҳамшира ва ошпазларнинг кўпчилиги етарли таъжирбага эга эмаслиги ҳамда малакаси йўқлиги кишини ташвишга солади. Ичимлик суви ва озик-овқат маҳсулотлари таъминоти, канализация тизими ва ободончилик ишларига эътиборсизлик турли эътирозларни келтириб чиқараёттир.

– Қўриниб турибдики, ором-

гоҳ раҳбарлари ишни тўғри ташкил этиш учун изланишлари, астойдил ҳаракат қилишлари зарур, – деди Бўстонлик туманидаги "Зангори олов" болалар оромгоҳи раҳбари Йўлдош Ҳолматов. – Шу маънода семинардан ўзим учун анчагина хулосалар олдим. Тўғри, ишимизда камчиликлар йўқ эмас. Айнан семинар сабаб нималарга эътибор берилаётганимизни, қандай чора-тадбирларни кечиктирмасдан амалга оширишимиз зарурлигини аңглаб етдим.

Яна бир гап. Тадбирда компьютер саводхонлигига оид "Мой друг компьютер" деб номланган қизқарлик, мўъжазгина китобча оромгоҳларнинг кутубхоналарини учун бепул тарқатилди.

Хуршида НАЗАРОВА,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

